



ЯПОНИЯ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ТУТ ИПАК ҚУРТИ БОҚИШ МАВСУМЛАРИДА ТУТ БАРГИНИ ЙИҒИШ УСУЛЛАРИ.

Содиқов Даврон Содиқ ўғли

Ипакчилик илмий тадқиқот институти

Ноёб объектлар II-йўналиш гуруҳ раҳбари к.х.ф.б.ф.д., (PhD) к.и.х

Аннотация

Ушбу мақолада, тут ипак қуртининг озуқа базасини янада ошириш учун, ўзбек ва япон олимлари томонидан курт боқиш мавсумида тут дарахтларини кесиш усуллари синаш ва энг самарали усулини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба натижалари баён этилган.

Аннотация

В данной статье представлены результаты совместных испытаний различных способов получения саженцев сортовой шелковицы путём прививки с целью определения эффективного способа.

Annotation

This article presents the results of joint tests of various methods for obtaining mulberry seedlings by grafting in order to determine the effective methods.

Калит сўзи: ипак курти, озуқа, навда, курт боқиш мавсуми, тут дарахти, барг, тут навдалари, тут танаси.

Ключевое слово: тутовый шелкопряд, корм, разновидность, сезон кормления червей, тутовое дерево, листья, сорта шелковицы, тело шелковицы.

Keyword: silkworm, food, variety, worm feeding season, mulberry tree, leaves, mulberry varieties, mulberry body.

Кириш. Тут барглари ипак курти учун керакли озуқа бўлгани боис, ҳар доим қимматли ўсимликлар қаторига киритилган. Бундан ташқари, қадимдан тут дарахти серҳосил бўлиб, меваси витаминларга бой. У кўпгина касалликларда даволовчи сифатида бошқа мевалардан ажралиб туради. Ҳатто дарахт новдаси, барглари, пўстлоғи, илдизининг ҳам фойдали жиҳатлари мавжуд.

Абу Али ибн Сино “Тиб қонунлари” китобида мазкур мева инсон саломатлиги учун фойдали эканлиги, истеъмол қилишнинг тартиб ва қоидалари ҳақида айтиб ўтади. Хусусан, тут меваси иммун тизимини мустаҳкамлаб, организмнинг ҳар хил юқумли касалликларга қарши ҳимоясини кучайтиради. Буқоқ, қалқонсимон без касалликларида тавсия этилади. Териға барвақт ажин тушишдан сақлайди, кўриш қобилятини яхшилади. Мевани икки хил ҳолатда истеъмол қилиш мумкин. Янги пишиб етилганда ёки қуритилган (тут майизи)да. Шунингдек, бу мевадан мураббо, жем ва шарбатлар ҳам тайёрланади.

Ичак хасталиклари билан оғриган, қандли диабет, қон босими юқори бўлган инсонларга меъеридан ортиқ тут истеъмол қилиш тавсия этилмайди. Чунки бу касалликнинг янада авж олишига сабаб бўлади. Тут барги ва танасининг пўстлоғи ҳам турли биологик фаол моддаларга бой. Барги таркибида флавоноидлар, витаминлар, каротин, эфир мойи, органик кислоталар, дарахт пўстлоғида эса бўёқли ва ошловчи



моддалар, турли хилдаги кислоталар мавжудлиги аниқланган. Тут баргининг қайнатмаси ангина ва бошқа шамоллаш касалликларида иситмани туширувчи, чанқоқ қолдирувчи восита ҳамдир. Қон босими ва қон айланиш тизимини меъёрига келтириш учун эса мазкур дарахтнинг илдизи қайнатмасидан ичиш тавсия қилинади. Пўстлоғидан фойдали малҳам тайёрлаб, йирингли яраларга, терининг куйиши ва жароҳатида, хуснбузарга қарши восита сифатида ишлатиш яхши самара беради.


Ота-боболаримиз тут дарахтини бежиз қадрламаган. Айрим ҳудудларимизда асрлар давомида яшаб келаётган қадимий тутлар ҳам бунинг яққол далилидир. Бугун эса тут дарахтларини асраб қолиш, кесилишининг олдини олиш билан бирга, йўл ва дала четлари, ариқ бўйлари, шўрланган, ҳосилдорлиги паст майдонлар атрофига, шунингдек, аҳоли томорқа ерларига камида 2-3 тупдан шотут ва балхи тут кўчатлари экиш билан қадимий анъананинг давом этишига ҳисса қўшган бўламиз.

Асосий қисим. Ипакчилик илмий тадқиқот институти олимлари, Япония давлати олимлари билан биргаликда Ипакчилик соҳасини ривожланириш устида турли хил илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Хусусан, Токио қишлоқ хўжалиги ва технолоия университети профессори Акио Коямо жаноблари билан биргаликда, баҳор ва ёз ипак қуртларини боқиш мавсумида тут баргларида оқилона фойдаланиш, хусусан тут баргларида кўпроқ ҳосил олиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

Профессор Акио Коямони фикрича баҳор ва ёз қурт боқиш мавсумларига тут дарахтларини тайёрлаш, тут дарахтларини тўғри парвариш қилиш, олинadиган барг ҳосилини сифатли ва кўплигини таъминлайди.

Япония давлати мутахассислари тут дарахтидан барг ҳосилини олишда икки усулдан фойдаланиб келадилар. Баҳор ва ёз фаслларида, тут плантацияларидан барг йиғиш учун тут дарахтларини мавсумда кесиш А усули (1-расм), ёз ва куз фаслларида тут плантацияларидан барг йиғиш учун тут дарахтларини мавсумда кесиш Б усули (2-расм). Бу усуллардан Ўзбекистон шароитида туғри фойдаланилса қурт боқиш мавсумларида сифатли тут барг ҳосили олишга эришилади.

Япония давлатида ипак қуртини боқишда асосий тут кесиш усули
Ёз ва куз фаслларида тут плантацияларидан барг кесиш усули:А



Баҳорги ўсиш даври

эрта кузда

кеч куз



Йиғишдан олдин	Йиғишдан кейин	Йиғишдан олдин	Йиғишдан кейин	Йиғишдан олдин	Йиғишдан кейин
-------------------	-------------------	-------------------	-------------------	-------------------	-------------------

вегетатсия даври


вегетатсия даври

Юқоридаги расмга келтирилган А усулда баҳор мавсумида тут дарахтлари ипак куртининг 4 – 5 ёшларида кесила бошланади. Тут дарахтини наваларини кесишда тут танасига тақаб 2-3 см қолдириб кесилади ва ён бачкилари олинади. Тут дарахтлари эгатларига сув жилдиратиб, пушталар захлангунча оқизилади. Кун қаттиқ исиган вақтларда суғориш ишлари кечаси олиб борилади. Тут плантациясидаги тутлар тупрок ҳамда об-ҳаво шароитига қараб 8-10 марта суғорилади. Тут дарахтлари иккинчи ўсув даврида ҳар 8-10 кунда бир марта, жами 9-13 марта суғорилади. Тутларга ўсув даврида ҳаммаси бўлиб 17-23 марта сув берилса кифоя.

Тутлар яхши ўсиши ва ривожланиши учун органик ҳамда минерал ўғитлар билан озиқлантирилади. Бунинг учун тупрокнинг унумдорлик даражасига қараб гектарига 120-180 кг азот, 60-90 кг фосфор ва 30-45 кг калий ўғитлари солинади. Гўнгнинг жами ва фосфор ҳамда калийнинг 50% и, майдонни ҳайдаш олдида, кузда берилади. Колган минерал угитлар қаламчада илдиз ҳосил бўлгандан кейин икки муддатда берилади. Июнь ойининг бошида фосфор ва калийнинг 25% и азотнинг 50% ига аралаштириб, июльнинг бошида фосфор ва калийнинг колган 25% и азотнинг 50 % га кушиб берилади.

Август ойининг биринчи ярмида тут танасидаги наваларга шакл берилиб, қўлтиқдаги ён ва ортиқча новдалар кесиб ташланади. Август ойининг охири ва сентябрнинг биринчи ўн кунлигида тут навалари яхши усгандан кейин, навалар ярмидан кесилади. Тут дарахтларидан барг ҳосилини олишда келгуси йили ҳам шу тарзда давом эттирилади.

**Япония давлатида ипак қуртини боқишда асосий тут кесиш усули
Ёз ва куз фаслларида тут плантацияларидан барг кесиш усули:Б**



Юқоридаги расмда келтирилган Б усулда баҳор фасли келгунча тут дарахти наваларини танасига тақаб кесилади. Бу кесилган тут дарахти наваларидан барг ҳосилини олиш учун баҳорги қурт боқиш мавсумида эмас, балки такрорий қурт боқиш мавсумида сифатли ва мўл барг ҳосили олишга эришиш мумкин бўлади. Бунинг учун эса такрорий қурт боқиш мавсумида тут наваларининг ярми кесилади ва



кузги такрорий кўрт боқиш мавсумида кесилган жойидан янги чиққан надаларни кесиб олинади. Бу усулдан юқорида айтиб ўтилгандек такрорий кўрт боқиш мавсумларида фойдаланилса дағал, сифатсиз ва хашаки барг ўрнига юмшоқ ва туйимли тут барглари олиш мумкин.

Хулоса

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак юқоридаги жараёнлар босқичма-босқич, ўз вақтида амалга оширилса, олинадиган барг ҳосили сифатли ва баракали бўлади.

Ушбу усулдан ишлаб чиқаришда фойдаланилса, ипак кўртлари озукаси учун олинадиган барг ҳосили юқори ва сифатли бўлади. Шу билан бир қаторда пилла ҳосилига ҳам ижобий таъсир қилади.

Яна шуни ҳам алоҳида такидлаб ўтиш жоизки, баҳорги ва такрорий кўрт боқиш учун ушбу усуллардан фойдаланиш сифатли тут барглари олиш итмконини беради. Бунинг учун эса, Ипакчилик илмий тадқиқот институтида юқоридаги икки усуллардан фойдаланиш бўйича тажрибалар олиб борилмоқда ва яқин йиллар ичида Республикамизда ҳам баҳорги ва такрорий кўрт боқиш мавсумларида юқоридаги янги усулларни босқичма босқич амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаев У.А.-Тутчилик, Тошкент-1991 й.
2. Раҳманбердиев К.Р., Абдуллаев У.А.-Тутчилик, Тошкент-1962 й.
3. Джураев М.Д. - «Тутнинг жаҳон коллекцияси таркибига кирган навлар, шакллар ва дурагайларни сақлаш, тўлдириш, уларни ўрганиш ҳамда морфофизиологик белгилари бўйича паспортлаштириш». (ноёб объектларни ий-йўналиши бўйича ҳисоботлар. тошкент, ўзиити ҳисоботлари, 2008-2010 йй).
4. Жўраев М., Ўзбекистон республикасида ташкил этилган тут навлари жаҳон коллекцияси таркибига кирувчи нав, шакл ва дурагай тутлар тавсифи. ЎзРФААК босмохона. Тош кент, 2010.
5. Ў.Қўчқоров, К.Огурцов - Шотут ва Балхи-тут, Тошкент «Мехнат» 1989 г.
6. Фёдоров А.И. - Японская шелковица в Средней Азии. Сб. «Субтропические культуры в Средней Азии» Госиздат -Ташкент – 1935 г.
7. Федоров А.И. Тутоводство. М., Государственное изд-во сельскохозяйственной литературы. 1954.
8. Кучкаров У. Получение межлинейных гибридов шелковицы с применением инбредных линий, ж. “Шелк”, №1, 1974.
9. Услубномасидан, ҳамда тут селекцияси ва агротехникаси бўйича методик қўлланмалардан фойдаланилади. Ў.Қўчқоров, Д.И.Холматов – Тошкент – 2007 й.
10. К.Р.Раҳманбердиев, Ш.Мухамеджанова «Тут селекцияси» Ташкент-Мехнат - 1988 й.